



*Тошкент вилояти спорт бошқармаси ҳамда Ўзбекистон  
маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси  
Тошкент вилояти бирлашган кўмитаси ўртасида  
2026-2028 йиллар учун тузилган*

## **ХУДУДИЙ ТАРМОҚ ЖАМОА КЕЛИШУВИ**

**Нурафшон шаҳар – 2026 йил.**

### ҚЎШМА - ҚАРОР

Тошкент вилояти спорт бошқармаси ҳамда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмитаси ўртасида 2023-2025 йилларга мўлжалланган Худудий тармоқ жамоа келишувининг 2025 йилда бажарилиши якунлари ҳамда 2026-2028 йиллар учун Худудий тармоқ жамоа келишувини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон республикасининг Меҳнат кодекси, “Касаба уюшмалари тўғрисида” қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Спорт Вазирлиги билан Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида тузилган Тармоқ жамоа келишувини ижросини таъминлаш, шунингдек соҳа ходимларининг юқори ижтимоий-иқтисодий, моддий фаровонлиги ва меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларига риоя қилиш, иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий шериклик тамойилларини ривожлантириш мақсадида Тошкент вилояти спорт бошқармаси ҳамда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бирлашган қўмитасининг Раёсати

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Спорт Вазирлигининг 2026 йил 26 мартдаги 01-18/49-сонли ҳамда Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсатининг 2-16 “с”-сонли қўшма-қарори ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Тошкент вилояти спорт бошқармаси ҳамда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмитаси ўртасида 2023-2025 йилларга тузилган Худудий тармоқ жамоа келишувининг 2025 йилдаги ижроси бўйича бошқарма бошлиғи ва вилояти бирлашган касаба уюшма қўмитаси раисининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин (1-илова).

3. Тошкент вилояти спорт бошқармаси ҳамда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмитаси ўртасида 2023-2025 йилларга тузилган Худудий тармоқ жамоа келишувининг 2025 йилдаги бажарилиши “қоникарли” деб топилсин ва келишув тарафларининг самарали ҳамкорлик олиб борилгани эътироф этилсин.

4. Тошкент вилояти спорт бошқармаси ҳамда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмитаси ўртасида 2026-2028 йиллар учун тузилган Худудий тармоқ жамоа келишувини лойиҳаси бўйича Ўзбекистон маданият спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши эксперт комиссиясининг Эксперт хулосаси инобатга олинсин.

5. Тошкент вилояти спорт бошқармаси ҳамда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмитаси ўртасида 2026-2028 йиллар учун тузилган Худудий тармоқ жамоа келишувини 2-иловага мувофиқ;

## ҚЎШМА - ҚАРОР

Тошкент вилояти спорт бошқармаси ҳамда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмитаси ўртасида 2023-2025 йилларга мўлжалланган Худудий тармоқ жамоа келишувининг 2025 йилда бажарилиши якунилари ҳамда 2026-2028 йиллар учун Худудий тармоқ жамоа келишувини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон республикасининг Меҳнат кодекси, “Касаба уюшмалари тўғрисида” қонунилари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Спорт Вазирлиги билан Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида тузилган Тармоқ жамоа келишувини ижросини таъминлаш, шунингдек соҳа ходимларининг юқори ижтимоий-иқтисодий, моддий фаровонлиги ва меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатларига риоя қилиш, иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий шериклик тамойилларини ривожлантириш мақсадида Тошкент вилояти спорт бошқармаси ҳамда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят бирлашган қўмитасининг Раёсати

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Спорт Вазирлигининг 2026 йил 26 мартдаги 01-18/49-сонли ҳамда Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Раёсатининг 2-16 “с”-сонли қўшма-қарори ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Тошкент вилояти спорт бошқармаси ҳамда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмитаси ўртасида 2023-2025 йилларга тузилган Худудий тармоқ жамоа келишувининг 2025 йилдаги ижроси бўйича бошқарма бошлиғи ва вилояти бирлашган касаба уюшма қўмитаси раисининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин (1-илова).

3. Тошкент вилояти спорт бошқармаси ҳамда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмитаси ўртасида 2023-2025 йилларга тузилган Худудий тармоқ жамоа келишувининг 2025 йилдаги бажарилиши “кониқарли” деб топилсин ва келишув тарафларининг самарали ҳамкорлик олиб борилгани эътироф этилсин.

4. Тошкент вилояти спорт бошқармаси ҳамда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмитаси ўртасида 2026-2028 йиллар учун тузилган Худудий тармоқ жамоа келишувини лойиҳаси бўйича Ўзбекистон маданият спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши эксперт комиссиясининг Эксперт хулосаси инобатга олинсин.

5. Тошкент вилояти спорт бошқармаси ҳамда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмитаси ўртасида 2026-2028 йиллар учун тузилган Худудий тармоқ жамоа келишувини 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 51-моддаси ҳамда “Қасаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуннинг 49-моддасига асосан, икки томонлама тузиладиган ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия таркиби 3-иловага, мувофиқ тасдиклансин.

6. Худудий тармоқ жамоа келишуви бўйича музокаралар олиб бориш ҳамда назоратни амалга ошириш функциясини инобатга олган ҳолда **Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссия зиммасига:**

- ташкилот ва муассасаларда Худудий тармоқ жамоа келишуви билан жамоа шартномаларнинг мувофиқлигини, жамоа шартномаларнинг ижросини таъминланиши масалаларини ҳамкорликда йил давомида ўрганиб бориш ва қатъий назоратга олиш;

- жамоа шартномаларнинг экспертизаси сифатини ошириш юзасидан ҳамкорликда мониторинг ўрнатиш ва ушбу масалада маълумотлар алмашиш;

- ҳамкорликда амалга ошириладиган ишларни ижтимоий тармоқлар ҳамда ОАВда ёритиб бориш вазифалари юклатилсин.

7. Тошкент вилояти спорт бошқармаси тизимидаги барча ташкилот ва муассасалар раҳбарлари қасаба уюшма кўмиталари билан биргаликда:

жамоа шартномаларида белгиланган бандларнинг сифатли ва тўлиқ бажарилишига эришиш;

жамоа шартномалари ижросини таъминлаш борасида масъулиятни янада ошириш;

хар йил якунлари бўйича жамоа шартномасининг бажарилиши юзасидан меҳнат жамоа си йиғилишларини белгиланган муддатларда ўтказиш вазифаси топширилсин.

жамоа шартномаларнинг бажарилиши юзасидан меҳнат жамоа си йиғилишини белгиланган муддатларда ўтказиш, шахсан иш берувчи заммасига юклатилсин.

6. Вилояти спорт бошқармасининг барча бўлимлари, раҳбарлари ҳамда бошқарма бош ҳисобчисига:

Худудий тармоқ жамоа келишуви бажарилиши юзасидан мониторинг олиб борувчи икки томонлама ижтимоий-меҳнат масалалари комиссиясига Келишув бандларининг бажарилиши бўйича ҳаққоний маълумотларни белгиланган муддатларда тақдим қилиб бориш топширилсин.

7. Мазкур қўшма буйруқ-қарор ижроси юзасидан назорат Тошкент вилояти спорт бошқармаси бошлиғи (Р.Бобокулов) ҳамда Маданият, спорт ва туризм ходимлари қасаба уюшмаси вилояти бирлашган кўмитаси раиси (Р.Тожибоев) зиммасига юклатилсин.

Тошкент вилояти спорт  
бошқармаси

Р.Бобокулов

2026 йил 14 апрель

1 - сонли

Маданият, спорт ва туризм  
ходимлари қасаба уюшмаси

Тошкент вилояти бирлашган  
кўмитаси

Р.Тожибоев

2026 йил 14 апрель

№ 4-19 “с” - сонли

Toshkent viloyati kambag'allikni  
qisqartirish va bandlik bosh  
boshqarmasi

Kirish № 03/08

20\_\_Y\_\_» 08.05.2026

**Тошкент вилояти спорт бошқармаси ҳамда Маданият, спорт ва туризм  
ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган кўмитаси ўртасида  
2023-2025 йилларга тузилган Худудий тармоқ жамоа келишувининг 2025  
йилда бажарилиши тўғрисида вилояти бирлашган касаба уюшма  
кўмитасининг  
АХБОРОТИ**

Тошкент вилоятида спорт соҳасида 32 та ташкилот ва муассасалар бошлангич касаба уюшма кўмиталари 2025 йилда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси вилояти бирлашган кўмитаси хизмат доирасида фаолият олиб борди.

Ўзаро шерикчилик тамойилларини шакллантириб, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояни негизи бўлган жамоа шартномаларини тузилишига катта эътибор берилган. Тизим ташкилотларида меҳнат қилаётган 1710 нафар касаба уюшма аъзолари жамоа шартномалари билан қамраб олинган.

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси вилояти бирлашган кўмитаси Ижроия кўмитасининг 2025 йил 8 январдаги 17-01 “с”-сонли қарорига асосан тизимдаги барча ташкилот ва муассасаларда 2025 йилнинг январь, февраль ойларида жамоа шартномаларининг 2025 йилда бажарилиши якунларига бағишланган йиғилишлар жадвали тасдиқланди. Йиғилишлар барча ташкилотда ўтказилди, шундан 10 та ташкилотда юқори касаба уюшма органларининг масъуллари иштирок қилишди.

Ташкилот ва муассасаларда жамоа йиғилишлари баённомалари, жамоа шартномаларини бажарилишини текшириб боровчи икки томонлама комиссиянинг далолатномалари тузилган бўлиб ва раҳбарий органлар томонидан имзоланган.

Касаба уюшма ташкилоти ўз фаолиятида асосий эътиборни меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялашга қаратган.

Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш мақсадида шартномада кўрсатилган барча имтиёзлар учун йилига ўртача ҳар бир ишчи-хизматчига 6369,3 минг сўмдан тўғри келади. Ўртача иш ҳақи эса 6874,0 минг сўмни ташкил қилди.

2025 йил давомида соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида касаба уюшма аъзолик бадаллари маблағлари ҳисобидан 20 нафар, ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан 7 нафар ходим соғлигини тиклаш учун касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда соғломлаштирилди.

“Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” дастурида белгиланган ҳуқуқий ёрдам ва юридик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш мақсадида меҳнат соҳасидаги асос солувчи тамойиллар ва ҳуқуқларга оид Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларининг бажарилиши бўйича жамоа тчилиқ мониторинги йўлга қўйилди ва конвенцияларнинг тегишли моддалари ташкилот ва муассасаларда қабул қилинган жамоа шартномаларига киритилишига эришилди.

Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси тизимида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Тизимидаги ташкилотларда ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратилган. жамоа шартномалари орқали бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркеклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш, бир хилдаги, бироқ турли шароитларда, турли қобилият ва кўникмалардан фойдаланган ҳолда бажарилган ишлар учун эркеклар ва аёлларга тенг ҳақ тўлаш назарда тутилган. Ишчи ходимларнинг меҳнат

хукуклари ва меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш хукуклари тўла таъминланган бўлиб, хотин-қизлар учун кичик ёшдаги фарзандлари бор аёлларга қисқартирилган иш вақти белгиланган, аёлларга ҳақ тўланадиган ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш, 3 ёшгача фарзанди бўлган аёлларга бола парвариши билан боғлиқ бўлган ҳақ тўланадиган танаффуслар бериш имтиёзлари киритилди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида 8-март Халқаро хотин-қизлар куни ҳамда Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан ташкилот ва муассасаларда фаол, илғор меҳнат қилаётган касаба уюшма аъзоларининг 172 нафарини рағбатлантиришга, 12 нафар юбилей саналарини нишонлаган фахрийларни тақдирлашга эришилди.

Ҳисобот даврида ходимларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишлари, уларни маънавий ҳордиқ олишларини таъминлаш мақсадида ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларнинг 95 нафарининг Тошкент шаҳар мусикали ва драма театрида намойиш қилинган спектаклларга ташрифи уюштирилди.

Ҳисобот даврида тизимдаги 214 нафар ходимларнинг республикамизнинг тарихий шаҳарларига ва ўз хулудигаги диққатга сазавор жойларига саёҳатлари уюштирилди.

19 нафар ходимлар фарзандлари вилоятдаги ёзги болалар оромгоҳларида дам олдирилди.

Ёрдамга мухтож, эҳтиёжманд оилалар вакиллариининг 46 нафарига касаба уюшмалари ҳисобидан моддий ёрдам берилди (18952,0 КУ).

4 нафар пенсия ёшидаги шахсларга пенсияга чиқишдан олдин бир йўла моддий ёрдам бериш ва уларни қимматбаҳо совғалар берилди (1648,0 КУ).

5 нафар ногиронлар ва ўзгалар парваришига мухтож кишиларга байрамлар арафасида моддий ёрдам берилди (1514,0 КУ).

Икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 2 нафар ёш онага моддий ёрдам кўрсатилди (824,0 КУ).

Тармоқ ташкилотларида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 10 нафар фарзандлари учун ўқув куроллари, дарсликлар харид қилиб берилди (1790,0 КУ).

Тизимдаги ташкилотларда ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, ходимлар гимнастикасини йўлга қўйиш, ходимларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш мақсадида 24 та ташкилотда ходимлар гимнастикаси йўлга қўйилган ва масъул ходимлар бириктирилган. Ҳисобот даврида 1126 нафар меҳнаткашлар ходимлар гимнастикаси билан шуғулланиб келишган.

2025 йилнинг 6 ноябрь куни тизимдаги ташкилот ва муассасалар бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари фаоллари ҳамда тизим ташкилотларида меҳнат қилган бир гуруҳ меҳнат фахрийлари иштирокида 11 ноябрь – “Ўзбекистон касаба уюшмалари куни” байрами муносабати билан “**Ўзбекистон касаба уюшмалари 120 йил халқ билан!**” деган гоя асосида маданий тадбир ўтказилди. Тадбирда меҳнат фахрийлари ва касаба уюшма фаоллари касаба уюшмаларининг эсталик совғалари билан тақдирландилар.

Соҳа ходимларининг 1428 нафарига Янги йил байрами арафасида жами 124960,0 минг сўм миқдорига янги йил совғалари тарқатилди

Тошкент вилояти спорт  
бошқармаси

2026 йил “27” апрелдаги  
4-сон  
қарорига 2-илова

Маданият, спорт ва туризм  
ходимлари касаба уюшмаси Тошкент  
вилояти бирлашган кўмитаси  
Раёсатининг

2026 йил “27” апрелдаги  
4-19 “с”-сон  
қарорига 2-илова

Тошкент вилояти спорт бошқармаси ҳамда Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм  
ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган Кўмитаси ўртасида  
ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича

## 2026-2028 йиллар учун ХУДУДИЙ ТАРМОҚ ЖАМОА КЕЛИШУВИ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Тошкент вилояти спорт бошқармаси (бундан буён-Бошқарма ) ва Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Вилояти Кўмитаси (бундан буён-Вилоят Кўмитаси ) ижтимоий шерикликни ривожлантириш мақсадида ходимларнинг меҳнат, иш ҳақи, уларнинг иш билан бандлиги ва ижтимоий кафолатлари борасида музокаралар олиб бориш, келишув ва жамоа шартномаларини тузиш ҳуқуқини тан олади ҳамда ушбу тармоқ жамоа келишувининг тарафлари бўлиб ҳисобланади.

2. Мазкур Тармоқ жамоа келишуви (бундан буён-Келишув) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон Иш берувчилари конфедерацияси ўртасида тузилган Бош жамоа келишуви, Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2026-2028 йиллар учун Тармоқ жамоа келишуви ва бошқа қонун ҳужжатлар асосида тарафлар вакиллари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ундаги шартлар Бошқарма ва тизим ташкилотларда (кейинчалик-ташкилот) барча ходимлар ва иш берувчиларга нисбатан татбиқ этилади.

### II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲАМКОРЛИҚДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3. Мазкур Келишув ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, уни бажариш тарафлар ва уларнинг тизимидаги барча ташкилотлар учун мажбурий бўлиб, унинг амал қилиши вакиллари ушбу келишувни тузган ходимлар ва иш берувчиларга нисбатан татбиқ этилади.

4. Иш берувчилар ва касаба уюшмаси кўмитаси раислари ташкилотларда мазкур Келишувдаги мажбуриятларни бажарилишини таъминлайдилар.

5. Келишув Бошқарма тизимидаги барча ташкилотларда жамоа шартномаларини тузиш учун асос бўлади ва ҳеч бир келишувнинг шартлари ходимларнинг аҳволини мазкур Келишувга нисбатан ёмонлаштириши мумкин эмас.



Тармоқ жамоа келишуви -2026

6. Тарафлар келишидики, жамоа шартномалари ташкилотларнинг барча иш берувчилари ва ходимларига ҳамда уларнинг вакилларига тadbик этилади. Ушбу Келишув асосида, жамоа шартномалари қабул қилинади ва имзоланади.

7. Худудий жамоа келишуви ва жамоа шартномаларини бажариш якунлари ташкилотларнинг меҳнат жамоаларининг умумий йиғилишларида (конференцияларида) ҳар йилнинг 1 апрелидан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг тегишли моддасига мувофиқ, касаба уюшма ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Касаба уюшмалари тўғрисида, Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида, Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида, Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида қонунилари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги “Жисмоний тарбия ва спорт ни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари ҳақида”ги ПФ-5924-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2010 йил 23 сентябрь 211-сонли, “Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 30 декабрь 731-сонли, “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига спорт соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2025 йил 29 апрель 275-сонли қарорлари талабларига риоя этилишини текшириш ҳамда назорат қилишни амалга оширадилар. Касаба уюшмаси вакилларининг тизимдаги муассасаларда ушбу масала юзасидан фаолиятни олиб боришларига тўсқинлик қилинмайди.

9. Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексини амалиётга кенг жорий қилиш борасида қуйидагиларни биргаликда амалга оширадилар:

меҳнат соҳасидаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш;

ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги нормаларни қабул қилиш бўйича таклифлар киритиш.

10. Бошқарма Вилоят Кўмитаси билан ҳамкорликда тизимдаги раҳбарлар, кадрлар бўлими мутахассислари, ҳуқуқшунослар ҳамда касаба уюшмаси кўмитаси раислари учун тизимли равишда меҳнат қонунчилиги бузилишларини олдини олиш ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалаларида ўқув-семинарларни ташкил қилади.

11. Иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш тизими йўлга қўйилади.

12. Тарафлар долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмаси фаоллари ва Бошқарма вакиллари билан Давра суҳбатларни ташкил этади.

13. Тарафлар касаба уюшмалари ва иш берувчиларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этадилар ҳамда уларнинг фаолият кўрсатишида тўсқинлик қилмайдилар.

14. Касаба уюшмаси органига сайланганлар, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар, Меҳнат низолари комиссиялари аъзолари меҳнатқашлар вакиллари деб эътироф этилади ва Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Қорхоналарда меҳнатқашлар вакилларининг ҳуқуқларини химоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида” ги 135-Конвенцияси химояси остига олинади.

15. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2017 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ фуқароларнинг қафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга



доир чора-тадбирларни кучайтириши тўғрисида” СК-231-III-сонли қарори ижросини сўзсиз таъминлайдилар.

16. Бошқарма Вилоят Қўмитаси билан ҳамкорликда тасарруфидаги ташкилотлар раҳбарияти билан қасаба уюшмаси қўмиталари ўртасида жамоа шартномалари тузилишида амалий ёрдам кўрсатади.

Уларнинг баёнларига ходимларнинг касбий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг долзарб масалаларни киритилишига эришади ҳамда бажарилишини назорат қилади.

17. Тарафлар қасаба уюшмаси аъзолик бадалларини ходимнинг ёзма розилиги билан бухгалтерия орқали пул ўтказиш йўли билан тегишли қасаба уюшмаси органининг ҳисоб рақамига ўтказиш тартибини сақлаб қолишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

Ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртларининг ўқувчилари, олий ўқув юртларининг кундузги бўлими талабалари, уч ёшгача боласини парваришлаш таътилидаги аёллар аъзолик бадали тўлашдан озод этиладилар.

18. Тарафлар тизимдаги ташкилотлар учун ижтимоий – меҳнат, меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш бўйича ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда ҳамкорлик қилади.

19. Бошқарма Хайъат қарорларини, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Вилоят Қўмитасига юборилишини таъминлайди ҳамда тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоясига тааллуқли масалалар муҳофизат этиладиган йиғилишларига Вилоят Қўмитаси вакилларини таклиф қилади.

20. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 45-моддасида белгилаб берилган “Иш берувчиларнинг ходимлар вакилларининг фалониятини амалга ошириш учун шароитлар яратишга доир мажбуриятлари” талаблари бажарилишини таъминлайди.

21. Бошқарма «Қасаба уюшмалари тўғрисида» ги Қонунга биноан жойларда қасаба уюшма қўмиталарининг фаолият юритиши учун иш берувчилар томонидан шароит яратиб берилишини таъминлайди;

- қасаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилмаган шахсларга қасаба уюшмаларига оид мажбуриятларини иш вақтида бажариши учун вақт беради. Бунда қасаба уюшмаларига оид мажбуриятларни бажариш вақти иш ҳафтаси соатлари сонининг 30 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

22. Бошқарма ҳамда унинг тасарруфидаги ташкилотлар ходимларини аттестациядан ўтказиш комиссияси таркибига қасаба уюшмаси вакили киритилишини таъминлайди.

23. Ходимларнинг меҳнат ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Вилоят Қўмитаси билан келишиб қабул қилинади.

24. Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тегишли қасаба уюшмаси ёки қасаба уюшмалари бирлашмаси билан келишиб олинади (Ўзбекистон Республикасининг “Қасаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунининг 28-моддаси).

25. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини амалиётда қўллаш борасида қуйидагиларни биргаликда амалга ошириш:

- меҳнат соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги нормаларни қабул қилиш бўйича таклифлар киритиш;



• иш берувчи ва ходим уртасидаги низоларни судгача ҳал қилишда касаба уюшмаларининг ярантирувчи, муҳсага келтирувчи бўлган сифатидаги фаоллигини ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш.

26. Миллий қонунчилик ва амалиётни Халқаро меҳнат ташкилотининг ратификация қилинган 95, 132, 148, 155, 156, 167, 175, 187-сонли конвенциялари талабларига мувофиқлаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига доир таклифларни биргаликда ишлаб чиқиш.

27. Ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар ва ишонч телефонлари тармогини кенгайтириш, сайёр қабулларни жорий этиш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан қайта алоқа механизми каналларини янада кўпайтириш.

28. Меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида Тарафларнинг Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерацияси билан тизимли ҳамкорлигини таъминлаш.

29. Касаба уюшмаларининг меҳнат қонунчилиги талаблари бузилган ҳолатлар бўйича киритган кўрсатмаларини иш берувчилар кўриб чиқмаганда ёки ундаги талабларни бажаришни асоссиз рад этганда Камбағалликни қискартириш ва бандлик вазирлиги Давлат меҳнат инспекциясига берилган қонуний ваколатларни қўллаган ҳолда бажарилишини таъминлашда кўмаклашиш.

30. Агарда қонунларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ташкилотларда касаба уюшмаси кўмитаси мавжуд бўлган барча ҳолларда ходим билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишни шу кўмитанинг розилигини олиш.

31. Бошқарма да кадрлар ва уларга бўлган эҳтиёжнинг истикболли режаларини, кадрлар тайёрлаш ва сифатини ошириш, ёши, кўнимсизлиги, мавжуд мутахассисликлар бўйича етишмаслигини ҳисобга олган ҳолда мониторинг ташкил қилиш ишларида касаба уюшмаси вакилининг иштирокини таъминлайди.

32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 19 декабрдаги 806 –сонли қарори (ХДФУ) ва Тармоқда ижтимоий шерикликни таъминлаш учун Вилоят Кўмитаси раиси Бошқарма коллегияси аъзолигига киритилади.

33. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича ҳудудий комиссияларнинг роли ва самарадорлигини оширишга, тармоқ ва бошланғич даражадаги ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар тузилишига кўмаклашиш.

34. Бошқарма ҳамда Вилоят Кўмитаси коллегиял органларининг қўшма йиғилишини ўтказиб борадиган ва йиллик қўшма дастур тасдиқланадиган янги тизимни йўлга қўйиш.

35. Касаба уюшма ташкилотлари ўз устав фаолиятини амалга ошириш учун иш берувчилардан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатлари масалалари юзасидан бепул ахборот олиш ҳуқуқига эга.

36. Бошқарма ва унинг тасарруфидаги ташкилотларда ишга янги қабул қилинган ходимлар касаба уюшма кўмитаси раиси томонидан суҳбатдан ўтади.

37. Бошқарма ва унинг тасарруфидаги ташкилотларда иш берувчилар касаба уюшмаси ташкилоти учун зарур иш шароитларини яратди, кабинет ва керакли жиҳозлар билан таъминлайди.

38. Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялари талаблари бажарилиши устидан тизимдаги барча ташкилотларда мониторинг олиб бориш.

39. Тизим ташкилотларида илмий асосланган меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш учун шарт-шароит яратиш орқали меъерий негизни ривожлантириш ишлари давом эттирилади. Тизимдаги иш берувчилар томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг «Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 87-сонли



конвенциясига мувофиқ, ташкилотларда ходимлар вакилларининг эркин фаолият кўрсатиши учун барча шарҳотлар яратилади.

40. Бошқарма ҳамда қасаба уюшмалари тизимидаги малака ошириш институтлари, ва маркаларининг ўқув дастурларига «Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари» мавзусида таълим курсларини киритиш ишларини давом эттириш.

41. Ходимлар ва иш берувчиларининг меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий саводхонлигини ошириш.

42. Вазирлик тизимидаги ташкилотларининг инсон ресурслари билан ишлашга масъул таркибий тузилмаларининг раҳбар ва ходимларини ҳар уч йилда камида бир марта меҳнат муносабатларини ташкил этиш бўйича малакасини ошириб бориш.

43. Халқаро меҳнат стандартларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, уларнинг ташкилотларда ижроси юзасидан биргаликда мониторинг ўрнатиш.

44. Сунъий интеллект технологияларига оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, соҳада стандартлар лойиҳалари ишлаб чиқишида таклифларни биргаликда ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш.

45. Сунъий интеллект технологияларини жорий этган иш берувчиларда қискартиришга тушган ходимларни замонавий соҳа ва мутахассисликларга қайта ўқитиш чораларини кўриш.

46. Сунъий интеллект жорий этилиши натижасида иш ўринларини йўқотаётган ходимларни бошқа касбларга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш.

47. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг асосий ва қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни жамоа музокаралари натижасида ўрнатилишини таъминлаш.

48. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимидан тарифсиз тизимларига ўтишни Вилоят Кўмитаси ёки унинг бўлинмаси билан олдиндан келишиб олиншини ҳамда ходимларнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI)ни баҳолашга бошланғич қасаба уюшмаси ташкилоти сайланма органи вакиллари жалб этилишини таъминлаш.

### III. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ, БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ

49. Ижтимоий шериклик тамойили асосида фаолият олиб боришда меҳнат шартномасининг мазмуни, уни тузиш ва бекор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ белгиланади. Меҳнат қонунчилигига кўра ходимнинг мазкур **Келишув** ва жамоа шартномаларида белгиланган ҳуқуқлари ва кафолатлари даражасини пасайтирадиган меҳнат шартномаси шартлари ҳақиқий ҳисобланмаслиги ва қўлланиши мумкин эмаслиги эътиборга олинади.

Олий, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафидан муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар, ёшлар, вояга етмаган фарзандлари бор аёллар, ногиронлиги бор шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли катламларининг бошқа тоифалари ишга жойлаштирилишига ҳар томонлама кўмаклашилади.

Ногиронлиги сабабли ногиронлиги бўлган шахс билан меҳнат шартномаси тузишни ёки ишда унинг юқори лавозимга кўтарилишини рад этишга, у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга йўл қўйилмайди (МКнинг 425- моддаси).

Меҳнат вазифаси спорт мусобақаларига тайёргарлик кўришдан ва спорт мусобақаларида иштирок этишдан иборат бўлган ходимларнинг меҳнат муносабатлари МКнинг 503-моддаси асосида тартибга солинади.



50. Касаба уюшмаси органи таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга - шу органининг розилигисиз,

ташкilot бўлинмаларидаги касаба уюшмалари органларининг раҳбарларига -тегишли касаба уюшмаси органининг розилигисиз;

ташкilotдаги касаба уюшмалари органларининг раҳбарларига - тегишли касаба уюшмалари бирлашмасининг розилигисиз интизомий жазо берилиши мумкин эмас.

Касаба уюшмалари органи таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган шахслар билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя этишдан ташқари, улар аъзо бўлган касаба уюшмаси органининг розилиги олдиндан олинган холда йўл қўйилади, ташкilot касаба уюшмаси органининг раиси билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга эса бундан ташқари тегишли касаба уюшмалари бирлашмасининг шундай розилиги олинган тақдирда йўл қўйилади.

51. Касаба уюшмалари органига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга иш берувчининг ташаббусига кўра интизомий жазо беришга, улар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга, шунингдек касаба уюшмалари органи таркибига сайланган ходимлар билан меҳнат шартномасини уларнинг сайлов ваколатлари тугаганидан кейин икки йил ичида иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олмасдан туриб йўл қўйилмайди.

52. Бошқарма да тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилаётганида ногиронлар, вояга етмаган болалари бор аёллар ва пенсия ёшига яқинлашиб қолган ходимларнинг иш жойи мумкин қадар сақлаб қолинади.

53. Иш берувчи ходим билан меҳнат шартномасини тузиш пайтида, уни (имзо қўйиш йўли билан) ташкilotнинг Низоми, жамоа шартномаси, ички меҳнат тартиби қоидалари, ходимнинг меҳнат вазифаларига тааллуқли ҳаракатдаги бошқа меъёрий ҳужжатлар билан имзо қўйдириб таништиради ҳамда меҳнат шартномасида ва жамоа шартномасида белгиланган мавжуд меъёрлар билан ҳамоҳанглигини таъминлайди (таътил, иш вақти ва бошқалар).

54. Якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар меҳнат шартномаси асосида юзага келади. Танлов бўйича эгалланиши лозим бўлган лавозимни эгаллаш учун танловдан ўтиш натижасида шартнома асосидаги якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар юзага келади.

Якка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ёки ташкilot уставида (низомида) назарда тутилган ҳолларда лавозимга тайинлаш ёки лавозимга тасдиқлаш натижасида меҳнат шартномаси асосида юзага келади.

55. Меҳнат кодексининг 129-моддасида кўрсатилган тоифадаги ходимлар ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди.

Шунингдек:

- тегишли таълим муассасаларини (ўрта махсус, касб-ҳунар, олий) тамомлаб, биринчи марта ўз мутахассислиги бўйича 1 йил ичида ишга кирувчи битирувчилар;
- ишга қабул қилинганда меҳнат шартномаси 6 ойгача бўлган шахслар;
- 18 ёшга тўлмаган шахслар;
- илгари иш берувчи томонидан белгиланган асослар билан меҳнат шартномаси бекор қилинган шахслар.

Жамоа шартномаси ёки иш берувчининг локал ҳужжатларида белгиланса — бошқа ходимлар ҳам синовсиз қабул қилиниши мумкин.



56. Ходим МК-136 моддаси талабига асосан меҳнат шартларини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақли. Ходимнинг ташаббуси билан уни вақтинча бошқа ишга ўтказиш сабаблари рўйхати ва бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари жамоа шартномаларида белгиланади.

57. Иш берувчининг ташаббуси билан ходимни бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнат ҳақининг аниқ миқдорлари, шунингдек ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар жамоа шартномаларига киритилади.

58. Бошқарма тасарруфидаги ташкилот ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин Вилоят Қўмитасига ахборот тақдим этиш ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга оширади.

59. Юридик шахсларнинг тутатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида иш жойидан бўшатилган ходимларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш.

60. Касаба уюшмаси қўмитаси ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилиги масаласи бўйича қабул қилинган қарор ҳақида иш берувчининг ёзма тақдимномаси олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда иш берувчига хабар қилиши керак. Агар кўрсатилган муддат тугаганидан кейин касаба уюшмаси қўмитаси қабул қилинган қарор ҳақида хабар қилмаса, иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини касаба уюшмаси қўмитасининг розилигисиз бекор қилишга ҳақли (МКнинг 164-моддаси).

61. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган тақдимнома касаба уюшмаси қўмитасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2023 йил 23 майдаги 9-5 сонли қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаси қўмитаси, органида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиш Тартиби” асосида кўриб чиқилиши таъминланади.

62. Ходимлар аттестациядан ўтказилиши бўйича камида 2 ой олдин огоҳлантирилади, камида 1 ой олдин назарда тутувчи қондалар ва таҳминий саволлар билан таништирилади. Аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом Вилоят Қўмитаси билан келишиб тасдиқланади.

#### IV. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

63. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ, Бошқарма тизимида иш ҳафтасининг қўйидаги муддатлари қабул қилинади:

а) нормал меҳнат шaroитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун - ҳафтасига 40 соат;

б) 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун – ҳафтасига 36 соат;

в) I ва II-гурӯх ногирони бўлган ходимлар учун – ҳафтасига 36 соат;

г) 3 ёшгача боласи бор аёллар учун – ҳафтасига 35 соат.

Иш кунининг бошланиш ва тугаш вақти ички меҳнат тартиби қондаларида белгилаб қўйилади.

Ногирон ёки бетоб оила аъзосини парваришлаётган ходимлар учун ҳам қисқартирилган иш вақтлари белгиланади.

64. Ноқулай меҳнат шaroитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар рўйхати ва улар учун иш вақтининг 36 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати жамоа шартномаларида белгиланади.

Ходимларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 205-моддасида назарда тутилган танаффуслардан ташқари иш куни (смена) давомида иш вақтига киритиладиган



қуйидаги қўшимча таърифуслар берилди:

- а) чинқоккии қондириши учун,
- б) тиббий ҳаттиёжларни қондириши учун,
- в) дори воситаларнинг қабул қилини учун,
- г) ходимлар гимнастикаси учун.

**65. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 186-моддасида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда ходимнинг илтимосига кўра унга тўлиқсиз иш вақти белгилаб қўйилиши шарт:**

- а) ишнинг таълим билан қўшиб олиб борилиши,
- б) профилактик даволаниш зарурияти,
- в) технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар туфайли ходимлар сонини қисқартирив ўрнига,
- г) бетоб онла аъзосини парварниш қилиш зарурияти;

д) ҳомилалор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки онланинг бетоб аъзосини парварниш қилиш билан банд бўлган ходимнинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий ҳулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилайди.

**66. Иш берувчининг фармойиши ёки буйруғи бўйича, ишлаб чиқариш заруриятларидан келиб чиққан ҳолда, айрим ходимларни дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб этишга, жамоа шартномасида белгиланган тартибда йўл қўйилади.**

**67. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 202-моддасида назарда тутилган даврлардан ташқари, ўртача иш ҳақи сақланиб қолинган ҳолда ходимга дам олиш учун эмас, балки қуйидаги мақсадларда бериладиган, ходимни меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод этишнинг қуйидаги даврлари ҳам дам олиш вақтига кирмайди:**

- касаба уюшмаларининг сайлаб қўйиладиган органлари ишида, ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар фаолиятида иштирок этиш;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қарорлари билан тузилган комиссиялар ишида иштирок этиш;
- касаба уюшмалари томонидан ташкил этиладиган таълим, маданий-маърифий ва спорт талбирларида иштирок этиш;
- юқори касаба уюшмаси органига ҳисобот топшириш, йўлланмалар олиш;
- касаба уюшмасининг Уставида белгилаб қўйилган (Кўмита, Раёсат, Ижроия кўмита, Пленум йиғилишлари, давра суҳбатлари, семинарлар, конференциялар ва бошқа) талбирларда иштирок этиш;
- умумтаълим мактабларида ўтказиладиган ота-оналар мажлисларида иштирок этиш;
- ходимларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун суд ва бошқа идораларда бўлиш;
- ишга келиш чоғида юз берган табиий офат, бахтсиз ҳодиса, авария ва бошқа кўнгилсиз ҳодисалар сабабли ишга етиб кела олмаслик;
- иш берувчининг ва меҳнат жамоасининг манфаатларини кўзлаб мажбуриятлар бажариладиган даврлар.

**68. Биринчи иш йили учун ҳар йилги меҳнат таътилидан фойдаланиш ҳуқуқи ходимда у ушбу иш берувчида узлуксиз ишлаган олти ой ўтганидан кейин юзага келади. Меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига кўра ходимга ишлаган олти ой ўтгунига қадар ҳам меҳнат таътили берилиши мумкин.**

Олти ой ўтгунига қадар ходимнинг хоҳишига кўра МКнинг 227-моддасига мувофиқ ва жамоа шартномаларида кўрсатилган бошқа ҳолларда ҳар йилги меҳнат таътили берилди.



Тармоқ жамоа келишуви -2026

69. Иккинчи ва кейинги иш йиллари учун ҳар йилги меҳнат таътили иш берувчи ва ходим учун мажбурий бўлган таътилар жадвали билан белгиланадиган ҳар йилги меҳнат таътилларини бериш навбатига мувофиқ берилади.

Ҳар йилги меҳнат таътилларининг жадвали календар йил бошланишидан аввал иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишувга кўра тасдиқланади.

Ходимнинг хоҳишига кўра ҳар йилги меҳнат таътили унга қулай бўлган вақтда МКнинг 228-моддасида ва жамоа шартномасида кайд этилган ходимларга берилиши керак.

70. Ходимга мазкур ташкилотда ёки тармоқда ишлаган ҳар беш йил учун давомийлиги икки календарь кун бўлган, бироқ жами саккиз календарь кундан кўп бўлмаган ҳар йилги қўшимча меҳнат таътили берилади. Агар ходим иш берувчининг таклифига кўра ишга қабул қилинган бўлса, қўшимча меҳнат таътилинини олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига бошқа иш берувчидagi иш стажини ҳам ҳисобга олинади. Ушбу кафолат қонунчиликда ўзига иш стажини учун ҳар йилги узокроқ қўшимча меҳнат таътиллари берилиши назарда тутилган ходимларга нисбатан татбиқ этилмайди (МКнинг 226-моддаси, 220-моддаси иккинчи қисми).

71. Меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли Қарори билан тасдиқланган «Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом»га мувофиқ иш жойларини аттестация қилиш натижаларига кўра 3 кундан 12 кунгача;

Қонунчиликда белгилангандан ташқари асосий ва қўшимча таътилларни олиш ҳуқуқини берадиган даврлар, таътилларни бериш вақти бўйича имтиёзлари, таътиллар муддати ва ҳақини тўлаш жамоа шартномалари ва бошқа локал ҳужжатларда белгиланади.

72. Ходимлар МКнинг 229-моддасида кўрсатилган ҳолларда ҳар йилги меҳнат таътилинини узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эга:

вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида;

хомиладорлик ва туғиш таътилининг муддати бошланганда;

ҳар йилги меҳнат таътили ўқув таътилига тўғри келиб қолганда;

давлат ёки жамоат мажбуриятларини бажараётганда, агар қонунчиликда бундай мажбуриятларни бажариш учун ишдан озод этиш назарда тутилган бўлса;

жамоа шартномасида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

73. Ходимларга қуйидаги ҳолларда ҳақ тўланадиган қўшимча ижтимоий таътиллар берилади:

- фарзанд туғилганида отага икки иш куни;

- онла қуриш муносабати билан уч иш куни;

- яқин қариндошларининг дафн маросимига уч иш куни.

Яқин қариндошлар деб ходимнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғил ва кизлари, турмуш ўртоғи, шунингдек турмуш ўртоғининг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ҳисобланадилар.

Ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади, лекин у иш ҳақи сақланмайдиган охириги таътил берилган кундан эътиборан календарь йил давомида узлуксиз ёки жамланган ҳолда уч ойдан ошмаслиги керак.

74. Ходимга иш ҳақи қисман сақланадиган таътил бериш ва унинг давомийлиги тўғрисидаги масала ҳар бир муайян ҳолда меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига кўра ҳал этилади. Ходимнинг унга бундай таътил берилишига розилиги иш берувчига ёзма ариза бериш орқали билдирилади. (МКнинг 240- моддаси).



75. Қуйидаги ходимларга уларнинг хохиниға кўра, иш хақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилади:

- 1941-1945 йиллардаги уруш катнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга - ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қалар;
- ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига - ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қалар;
- икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парварини қилаётган ота-онанинг бирига (отанинг ўрнини босувчи шахсга), бувисига, бобосига ёки бошқа қариндошига;
- ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ нафар болани ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган болани тарбиялаётган ота-онанинг бирига (ота-онанинг ўрнини босувчи шахсга) — ҳар йили ўн тўрт календарь кунгача;
- қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ходимларга (МК 242-моддаси).

## V. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТўЛАШ, ИЖТИМОИЙ КАФОЛАТЛАР, ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

76. Бошқарма тизимда меҳнатга ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ягона тариф сеткасиға асосан амалға оширилади. Меҳнат хақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон бир тарзда чекланмайди.

Меҳнатга ҳақ тўлаш жамоа шартномалари орқали тартибга солинади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг асосий ва қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни жамоа музокаралари натижасида ўрнатилиши таъминланади.

Иш хақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ҳолатларда ушлаб қолишға йўл қўйилмайди.

Тизимда илмий асосланган меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш учун шарт-шароит яратиш орқали меъёрий негизни ривожлантириш ишлари давом эттирилади.

77. Ходимларнинг лавозим маошлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига асосан белгиланган тартибда ошириб борилади.

78. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 253-моддаси асосида меҳнатга ҳақ тўлашнинг ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлмаслиги ва иш хақини ўз вақтида тўланиши учун ташкилот раҳбари шахсан жавобгар ҳисобланади.

79. Тизимдаги ташкилотларда иш хақининг ҳамда стипендияларнинг ўз вақтида ва тўлиқ берилиши учун иш берувчи шахсан жавобгар ҳисобланади.

Қарздорлик мавжуд бўлган ҳолларда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2014 йил 19 апрелдаги 16-15 сонли “Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги қасаба уюшма органлари томонидан иш хақи ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш тартиби” тўғрисидаги Раёсат қарорига кўра иш олиб борилади.

80. Иш берувчининг айби билан бекор туриб қолинган вақт учун (иқтисодий, технологик, техник ёки ташкилий сабабларга кўра ишни вақтинча тўхтатиб туриш) ходимнинг ўртача иш хақи миқдорида ҳақ тўланади.

Иш берувчига ва ходимга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бекор туриб қолинган вақт учун бекор туриб қолинган вақтга мутаносиб равишда ҳисобланган тариф ставкасининг (маошининг) камида учдан икки қисми миқдорида ҳақ тўланади, аниқ миқдори жамоа шартномасида кўрсатилади.

Ходимнинг айби билан бекор туриб қолинган вақт учун ҳақ тўланмайди. (МК 266-моддаси)



**81.** Бир йўла бир неча касба (лавозимда) ишлаганлик, ўриндошлик асосида ишлаганлик учун, хизмат кўрсатиш донраси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги учун ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномаси тарафлари ўртасидаги келишувга кўра белгиланади.

Хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентларини белгилашни жамоа шартномалари ва келишувлари орқали амалга оширилади. Тизимдаги бюджет ташкилотларда шунингдек хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотларда нархларнинг ўзгариб боришига, инфляция даражасига мутаносиб равишда меҳнат ҳақи миқдори оширилиши инобатга олиб борилади.

**82.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарори билан тасдиқланган “Туман коэффициентлари, шунингдек, йиллик кўшимча таътилнинг энг кам муддати қўлланиладиган табиий-иклим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойлар рўйхати”да кўрсатилмаган табиий-иклим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган айрим жойларда ишлаганлик учун устамалар ва кўшимча таътиллار қўлланилиши тўғрисидаги шартлар нобюджет ташкилотларининг жамоа келишувлари ва шартномаларида назарда тутилиши мумкин.

Зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори билан тасдиқланган “Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иктисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентларини қўллаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисида Низом” талаблари тadbик қилинади.

Кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек, устамалар миқдори иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси кўмитаси билан келишган ҳолда белгиланиши ва жамоа шартномасида кўрсатилиши таъминланади.

**83.** Автомобиль транспорт и ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3130, 2019 йил 23 январь) талабларини тadbик қилиш бўйича тавсиялар бериш.

**84.** Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига риоя этилиши, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари касаба уюшмаси кўмиталари билан келишувга биноан белгиланиши, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ушлаб қолишларга йўл қўйилмаслиги устидан жамоатчилик назорати ўрнатилади.

**85.** Иш берувчи томонидан иш ҳақини ва бошқа тўловларни тўлаш муддати бузилган тақдирда, уларни тўлов муддатидан кейинги кундан эътиборан то ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган кунни ўз ичига олган муддатгача ҳар бир кечиктирилган кун учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ўша вақтда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда фонслар (пулли компенсация) билан бирга тўланишини давлат ва касаба уюшмалари меҳнат инспекциялари томонидан назоратга олинади.

**86.** Касаба уюшмалари томонидан ходимларнинг меҳнат малака даражасини ҳамда меҳнат шароитларини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи тўланиши устидан тизимли жамоатчилик назорати ўрнатилади.

**87.** Иш берувчиларга ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда касаба уюшмаси кўмитаси раиси вазифасини бажарувчи ходимга унинг ойлик (лавозим) маошининг (ишбай ҳақ



тўланадиган ходимнинг эса ўртача ойлик иш ҳақининг) камидан 20 фоизи миқдорида қўшимча ҳақ тўлашни тавсия этиш.

88. Илгор халқаро тажриба асосида меҳнатни меъёридан тирини ва унга ҳақ тўлаш соҳасида меҳнат нормалари ва қондалари ишлаб чиқилади.

89. Бахтсиз ҳолисалар ва факулотдаги вазиятлар натижасида зарар кўрган ходимларга, ташкилотнинг молжавий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин.

90. Ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра вафот этганда унинг оиласига моддий ёрдам кўрсатилади. Унинг меъёри жамоа шартномаларида белгиланади.

91. Ходимларга шифохоналарда даволашнилари ва дори-дармон харажатлари учун жамоа шартномасида белгиланган миқдорда моддий ёрдам кўрсатилади.

92. Ходимларга қиш мавсумига тайёргарлик кўришлари учун ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишлари учун қасаба уюшмаси органи таклифига биноан моддий ёрдам кўрсатилади.

93. Иш берувчининг ходимга кафолатли тўловларни МКнинг 280, 281 -моддаларига асосан амалга оширишрилади.

94. Иш берувчи вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақасини қуйидаги миқдорларда тўлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади:

- иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан бўлган ходимларга, байналмилалчи жангчиларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга, қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар учун - 18 ёш) тўлмаган уч нафар ва ундан кўп фарзанди бўлган ходимларга, Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга, Чернобил АЭСдаги авария натижасида радиоактив инфлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без (аденома, рак) ва хавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга, ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги ногиронлиги бўлган ходимларга, шунингдек ходим ишда шикастланиш ва касб касалликлари оқибатида вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганда ойлик иш ҳақининг тўлиқ миқдорида;

- ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар бўйича ҳисобда турувчи ходимларга, улар томонидан давлат ижтимоий сугуртасига бадаллар тўлаб келиниши муддатига (умумий иш стажига) қараб ойлик иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизигача миқдорда;

- қолган ҳолларда, улар томонидан давлат ижтимоий сугуртасига бадаллар тўлаб келиниши муддатига (умумий иш стажига) қараб ойлик иш ҳақининг 60 фоизидан 80 фоизигача миқдорда тўланади.

95. Карантин қондалари кучайтирилганда ходимлар иш берувчилар томонидан иш ҳақи қисман сақлаб қолиниб мажбурий таътил берилишига йўл қўйилади. (СҚ 374-модда 2-банд)

Масофавий ишда ишловчи ходим иш вақтини ўз хоҳишига кўра тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда, у томонидан бажарилган ишлар учун бир баравар миқдорда меҳнат ҳақи тўланади. Бунда ходимга нисбатан иш вақтидан ташқари иш, дам олиш ва байрам кунларидаги иш, шунингдек тунги вақтдаги иш учун меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қўлланилмайди.

Жамоа шартномасида, ички хужжатда, меҳнат шартномасида назарда тутилган ходимларнинг бошқа тоифалари ҳам вақтинча масофадан туриб ишлашга ўтиш ёки ўтказиш учун устувор ҳуқуққа эга бўлиши мумкин. (МКнинг 458-моддаси)

96. Иш берувчи ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақалар бўйича тўловларни тўлашни кафолатлайди.



97. Ўзбекистон Республикасининг “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида” Қонунига мувофиқ, ходимнинг ёки унинг қарамоғидаги оила аъзоларининг вафоти сабабли иш берувчи томонидан ходимга ёки унинг оила аъзоларига дафн этиш харажатларини қоплаш учун белгиланган тартибда нафақа бериллади.

98. Ўзбекистон Республикаси ичидаги хизмат сафарлари учун тўланиладиган компенсациялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 424-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисидаги Низом” билан тартибга солинади.

**99. Ходимга:**

- иш сайёр ва кўчиб юриш хусусиятига эга бўлганда, шунингдек дала шароитларида ва вахта усулида ишланганда МКнинг 289-моддасига асосан;

- бошқа жойдаги ишга кўчиб ўтганда МКнинг 289-моддасига асосан;

- иш берувчининг йўлланмаси бўйича ходимнинг касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш, малака ошириш ва стажировкадан ўтиши бошқа жойга кўчишни талаб қилса МКнинг 290-моддасига асосан;

- иш жараёнида ходимга тегишли ёхуд унинг томонидан учинчи шахслардан ижарага олинган мол-мулкдан иш берувчининг розилиги билан фойдаланилганда МКнинг 293-моддасига асосан компенсация тўланади;

- меҳнат шартномаси бекор қилинганда МКнинг 173-моддасида кўрсатилган ҳолларда ишдан бўшатилган нафақаси тўланади;

- ишдан бўшатилган нафақаси миқдорини белгилаш учун иш стажига иш берувчининг таклифи билан ишга кирган ходимларнинг аввалги меҳнат қилган ташкилотда ишлаган вақти ҳам ҳисобга олинади.

100. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-2705-сонли Қарорини амалга оширишга ҳар томонлама қўмаклашиш.

101. Ходимларга иш тақсмоти, ходимларнинг фаолиятидаги ютуқлар учун қўшимча мукофот тўловларини режалаштиришда қасаба уюшмаси қўмиталари вакиллариининг иштироки шарт.

102. Ходимларнинг ишга келиб-кейтиш транспорт харажатлари ҳамда тушлик харажатлари иш берувчи томонидан ҳар ойда қисман қопланиши мумкин.

103. Бошқарма тизимидаги хўжалик ҳисобидаги ташкилотларида маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган соф тушум таркибида иш ҳақининг улуши оширилишига эришиш.

104. Меҳнат муносабатларини легаллаштириш ҳамда мазкур келишув ва жамоа шартномалари воситасида хўжалик ҳисобидаги тармоқ ва ташкилотларнинг ўз тариф сеткаларини ўрнатиш орқали ўртача иш ҳақи оширилишини таъминлаш.

105. “Яшил ишлаб чиқариш” тамойилларини жорий этиш жараёнида энергия тежамкорлиги технологияларига ўтишда иш ўринлари қисқартирилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш.

106. Ишлаётган ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида, тарафлар жамоа шартномалари орқали ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон - 2030” стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурлари бажарилишига ҳар томонлама қўмаклашиш;



- кам таъминланган онлаларга, кўп болали онлаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб бориш.

107. Иш берувчилар асосий ишдан озод этилмаган касаба уюшмаси кўмитаси аъзоларига, юқори касаба уюшмаси органлари томонидан ташкил этиладиган ўқувлар, маданий-маърифий ва спорт йўналишидаги тадбирларда иштирок этишлари билан боғлиқ хизмат сафари харажатларини муассаса ҳисобидан қоплаш мажбуриятини олади.

108. Жамоавий музокараларда иштирок этадиган ходимларнинг вакиллари билан меҳнат шартномасини ушбу музокаралар олиб борилаётган даврда интизомий жазо қўллашга ёки уларни иш берувчининг ташаббуси билан бошқа ишга ўтказишга касаба уюшма кўмитасининг олдидан розилигини олмасдан йўл қўйилмайди.

109. Фавқулодда ҳолатлар юзага келган тақдирда аҳоли учун Халқаро меҳнат ташкилотининг "Тинчликни ва қарши ҳаракат салоҳиятини таъминлаш мақсадида бандлик ва муносиб меҳнат тўғрисида"ги 205-сонли тавсияси асосида ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш.

110. Ходимлар ҳамда уларнинг онла аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, муносиб ҳаёт учун меҳнат қилиш шарт-шароитларини яратиб бериш мақсадида Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

- Меҳнат таътили даврида ходимлар учун Республикадаги санаторий ва дам олиш масканларида, ёзги таътил даврида ходимларнинг фарзандларини болалар дам олиш оромгоҳларида иш берувчи ҳисобидан соғломлаштириш ва дам олдириш ишлари ташкил қилинади.

- Иш берувчи молиявий имкониятидан келиб чиқиб кўп йиллар давомида тизимда фаолият юритган ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларга соғломлаштириш учун бепул йўлланмалар ажратади.

- Иш берувчи томонидан ўзининг балансида бўлган ижтимоий объектлар фаолиятини янада ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жорий ва капитал таъмирлаш ҳамда зарур шарт-шароитлар яратиш учун сарф-харажат сметаси асосида маблағ ажратади.

- Ходимлар ва уларнинг онла аъзоларини соғломлаштириш ҳамда дам олиши учун йўлланмалар, бошланғич касаба уюшма кўмиталари томонидан бериладиган буюртмалар асосида, улар томонидан тўланган ижтимоий солиқ тушумларидан ва касаба уюшмасига аъзолик бадалларидан тушган маблағларнинг соғломлаштиришга ажратилган миқдорига мувофиқ равишда берилади.

### 111. Ҳамкорликда:

1. Бошқарма тизимида фаолият олиб бораётган ходимларни кўнимсизлигининг олдини олиш мақсадида доимий рағбатлантириб бориш чораларини кўриш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига малакали мутахассисларни жалб этиш мақсадида меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини қайта кўриб чиқиш.

2. Ташкилотларни малакали кадрлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, самарали меҳнат фаолиятини ташкил этиш ва етарлича шарт-шароитлар яратиш орқали ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида уй-жой сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашиш.

3. Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ходимларини соҳага оид илғор тажрибага эга хорижий давлатлар билан мунтазам тажриба алмашиш мақсадида:

соҳа вакиллари халқаро лойиҳаларда иштирокини таъминлаш орқали тажриба алмашиш тизимини жорий қилиш;



жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги олий таълим муассасаларнинг талабаларини илгир тажрибага эга хорижий давлатлардаги нуфузли олий ўқув юртиларида ўқув амалиётини ташкил этиш борасида Уларо меморандум имзолашга эришиш,

ёш, умидли иқтидорларни оталикка олиш. Уларни дунё ареналарига чиқишига Бошқарма билан биргаликда кўмакланиш.

4. Кўп йиллар мобайнида меҳнат қилиб, халқни эътиборини қозонган, юртимиз жисмоний тарбия ва спорт ига улкан ҳисса қўнган Устоз ва фахрийларни:

Давлат мукофотларига тавсия этиш,

Спорт вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасалари талабаларидан ташкил топган кўнгиллик – волонтерларни жалб этган ҳолда ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, тугилган кун ва жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги байрамларда уларга эсдалик совғалари бериш, мансий муаммоларини ҳал этишда кўмаклашиш,

юртимиз зиёратгоҳларига саёхатлар уюштириб “Фахрийлар поездлари”ни ташкил этиш,

шифоҳона ва соғломлаштириш оромгоҳларида даволанишлари ва дори-дармон воситаларини харид қилиш харажатлари учун жамоа шартномасида белгиланган миқдорда моддий ёрдам кўрсатиш,

олий таълим муассасаларида мунтазам равишда Фахрийлар иштирокида ёшлар билан давра суҳбатлари, “мастер класслар” ташкил этиш. Тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг оммага ёритиб бориш.

5. Умумхалқ ва касб байрамларини, хусусан, 6 апрель – “Халқаро спорт куни” ва 11 ноябрь – “Ўзбекистон қасаба уюшмалари куни”ни нишонлаш ва эсдалик совғалар билан тақдирлаш.

6. Соҳа ходимлари учун соғломлаштириш профилактория маркази ташкил этиш.

7. Ўқув йили давомида мувоффақиятларга эришган энг иқтидорли ва иқтимой-иқтисодий кўмакга муҳтож талабаларга Низом асосида “Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари қасаба уюшмаси стипендияси”ни жорий этиш.

8. Тармоқ тасарруфидаги таълим муассасаларининг талабалар ётоқхоналаридаги шарт-шароитларини яхшилаш мақсадида ишлаб чиқилган низомга асосан “Энг намунали ётоқхона” кўрик танловини ташкил этиш.

9. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро марафонлар, халқаро экомарафонлар, авторалли ва мотокросс спорт мусобақаларини тизимли ўтказиш орқали спорт туризминини ривожлантириш.

10. Қишки олимпия спорт турлари инфратузилмасини яратиш, ушбу спорт турларини оммалаштириш.

11. Миллий спорт турларини ривожлантириш ва оммавийлигини ошириш, уларни Осий ва Олимпия ўйинлари дастурларига киритиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш.

12. Миллий спорт ўйин турларини чет элларга кенг тарғиб қилиш ва танитиш мақсадида ҳар бир ҳудудда томошабоп спорт ўйинларини ташкил этиб, сайёҳларни ўйинларга жалб қилиш.

## VI. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

112. Ходимлар меҳнат вазифаларини меҳнат шартномалари ва ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилган ҳолда бажарадилар.

113. Ўз меҳнат вазифаларини тўла ва сифатли бажарган ходимларга:



Тармоқ жамоа келишуви -2026

- ташаккурнома изҳор қилиш;
- қимматбаҳо соғгалар ва фахрий ёрлик билан тақдирлаш;
- ташкилот тизимидаги турли номинациялар бўйича унвонлар бериш;
- давлат мукофотларига тавсия этиш орқали рағбатлантирилади.

114. Меҳнат интизомини бузганлик учун интизомий жазоларни қўллаш, белгиланган муддатлар ўтиб кетганидан сўнг йўл қўйилмайди.

115. Интизомий жазо амал қилиб турган муддат мобайнида ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланишини бекор қилмайди.

116. Интизомий жазо қўлланилишиндан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим.

## **VII. МЕҲНАТ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ**

117. Тарафлар Келишувини бажарилишида юзага келган ҳар қандай низоларни олдини олиш чораларини кўришни ўз зиммасига оладилар. Баҳслашувлар ўзаро ишонч ва ҳурмат билан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида ҳал этилади.

118. Якка тартибдаги меҳнат низолари “Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 12.01.2015 йилдаги 20-66 “с”-сонли ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 15.01.2015 йилдаги 01-СП-сонли қўшма қарори билан тасдиқланган “Якка меҳнат низолари комиссиялари фаолиятини ташкил этиш юзасидан тавсиялар” асосида ишлаб чиқилган низом асосида кўриб чиқилади.

119. Бошқарма даги қасаба уюшмаси вакили:

- қасаба уюшмалари иш берувчи томонидан меҳнат муносабатларига тааллуқли қонунилар ва талабларига риоя этилишини назорат қилиб боради, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тақдимнома киритади;

- ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, даъво аризалари билан судга мурожаат қиладилар;

- ходимларнинг мурожаатларини кўриб чиқиб, улар юзасидан қонунларга мувофиқ тегишли жавоб берадилар.

## **VIII. МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ГИГИЕНАСИ**

120. Иш берувчи ва унинг тизимидаги органлар раҳбарлари меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тизимини жорий этишга, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлашда иштирок этишга, шунингдек, тегишли норматив - ҳуқуқий ҳужжатларга ва меҳнат стандартларига мувофиқ, тизимда ходим ва ишчиларга хавфсиз ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитларини яратиб беришга мажбурдирлар.

121. Иш берувчи ушбу мажбуриятларни бажариш мақсадида:

“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрири) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги 819-сон қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари асосида тизимда меҳнат муҳофазасини ташкил этиш чора - тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда уни молиявий таъминлаш ва амалга ошириш чораларини кўради;

иш ўринларида меҳнат шароитларининг ҳолати, айниқса зарарли (ўта зарарли) ва (ёки) хавфли (ўта хавфли) ишлаб чиқариш омиллари юзасидан донмий назоратни амалга оширади;

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарори билан тасдиқланган “Меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсиялар”га риоя этган ҳолда, жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазаси бўйича Битим



тузилишини, Битимда кўзда тутилган тadbирларга керакли микдорда маблаглар ажратилишини ҳамда уларнинг мақсадини сарфлаоошини таъминлайди;

Мехнат кодексининг 362-моддасига мувофиқ, иш берувчи барча янги ишга қабул қилинаётган, бошқа ишга ўтказилаётган ишчи ва ходимлар учун мехнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар берилишини ташкил этади. Ходимларга ишларни хавфсиз бажариш усуллари ва бахтсиз ҳодисаларда биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича ўқув машғулотлари ўтказилишини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 декабрдаги 819-сон қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган "Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқдан ўтказиш, ўқитиш ва билимларини текшириш, малака ошириш ҳамда қайта тайёрлаш тўғрисидаги" Низом талаблари дохисда ходимларни мехнат муҳофазаси бўйича қайта тайёрлайди, малакасини оширади ва ўқитади ҳамда билимларини синовдан ва аттестациядан ўтказиш ишларини ташкил этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сонли қарори билан тасдиқланган "Иш ўринларини мехнат шaroнтлари ва асбоб - ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом"га асосан ишчи ва ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар белгиланадиган, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи бериладиган, ногиронлиги бор шахслар банд бўлган зарарли, хавфли ва бошқача мехнат шaroнтларига эга иш ўринларини камида беш йилда бир мартаба аттестациядан ўтказилишини таъминлайди;

ишчи ва ходимларнинг мехнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чаллиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланишини олдини олиш, шунингдек, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини бартараф этиш чораларини кўради;

Мехнат кодексининг 360-моддасига мувофиқ, иш берувчи Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2012 йил 10 июлдаги 200-сонли буйруғи билан белгиллаган тартибда ходимларни дастлабки ва даврий мажбурий тиббий кўриклардан ўтказилишини, кўриқдан ўтиш вақтида уларнинг иш жойи ва ўртача иш ҳақи сақланишини, шунингдек тиббий кўриклар учун зарур маблагларни ажратилишини таъминлайди;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий сугурта қилинишини, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилинишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 июлдаги 465-сон қарори билан тасдиқланган "Мехнат нормаларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш тартиби тўғрисидаги намунавий Низом" талабларига мувофиқ мехнат нормаларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва уларни қайта кўриб чиқиш ишларини ташкил этади;

мехнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича ваколатли вакилларни сайлаш, ўқитиш ва уларнинг малакасини доимий равишда ошириб боришлари ҳамда жамоа шартномаларига кўра улар ўз фаолиятини самарали амалга оширишлари учун қулай шaroнтларни яратади;

мехнат муҳофазаси бўйича сайланган вакилларнинг ўқишини улар сайлангандан сўнг бир ой ичида касаба уюшмаси кўмитаси иштирокида ташкил қилади;

мехнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этилган шахсга ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши учун ҳар ҳафтада камида икки соат иш вақти ажратилади ва бу вақт учун иш жойи (лавозими) бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақланади;

Касаба уюшмаси кўмитаси билан келишган ҳолда мехнатни муҳофаза қилиш бўйича



вакиллари маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириб боради;

ҳодимларга уларнинг меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарар учун кўзда тутилган миқдорда нафақа ва тўловларни ойма-ой тўланишини таъминлайди;

ҳодим меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланганда ёки касб касалликлари оқибатида вақтинчалик меҳнат лаёқатини йўқотганда ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорда тўловни амалга оширади;

жамоа шартномаларида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича кўзда тутилган мажбуриятларни бажаради;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалаларининг муҳим ўрин тутиши ҳақида жамоат фикрINI шакллантириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишларини олиб боради;

ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларининг бузилиши ва бахтсиз ҳодисаларни яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида ваколатли органларга мурожаат қилади;

меҳнат шароитлари ноқулай ишларда банд бўлган ходимларни белгиланган нормалар бўйича сут, озик-овқат маҳсулотлари, махсус кийим-бош, махсус пойабзал ҳамда бошқа шахсий химоя ва гигиена воситалари, шунингдек, жамоавий химоя воситалари билан таъминлаш чораларини кўради.

#### **122. Касаба уюшмаси Вилоят Қўмитаси , Иш берувчи билан ҳамкорликда:**

Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 21 июлдаги 454-сон қарори билан тасдиқланган “Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ, ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини жорий этиш ва ундан самарали фойдаланишни таъминлайди;

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан барча номинациялар бўйича (“меҳнатни муҳофаза қилишда энг яхши натижаларга эришган ташкилот”, “ҳодимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, ходимларнинг меҳнат муҳофазасига бўлган ҳуқуқларини химоя қилишда энг яхши касаба уюшмаси ташкилоти”, “энг яхши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил”, “меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис”) Республика кўрик-танловини ўтказиши ва ғолибларни тақдирлайди;

Меҳнат шароитлари ва хавфсизлиги, шунингдек, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари бўйича махсус текширувларда иштирок этиш, сабабларни биргаликда таҳлил қилиш ва натижалар юзасидан доимий ахборот алмашиш амалиётини йўлга қўяди.

иш жойларида меҳнат муҳофазаси маданиятини ошириш ва хавфсиз меҳнат усулларини жорий этиш бўйича биргаликда ҳар йили манзилли чора-тадбирлар амалга оширади;

ҳар йили 28 апрель - “Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни” муносабати билан тизимдаги барча ташкилотларда ушбу санага бағишланган тадбирлар ташкил этилади.

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни оммалаштириш ҳамда жорий этиш чораларини кўради.

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича мавжуд тизимни такомиллаштириш бўйича таклифларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига таклиф киритади.



Тармоқ жамоа келишуви -2026

123. Тарафлар ҳодимлар меҳнатини муҳофиза қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларига риоя этиш ва имтиёзлар берилишини таъминлайди.

124. Касаба уюшмаси қўмиталари барча босқичларда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси қондаларига риоя этилиши, шунингдек, Иш берувчилар томонидан бу борадаги мажбуриятлари бажарилаётганлиги устидан назоратни амалга оширади.

125. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси қондаси бузилганда ходим ва ишчи ишни тўхтатишга ҳақли. Бундай ҳолатлар ходимларнинг айбисиз юз берганда, уларга ўртача иш ҳақи саклаб қолинади.

126. Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини таъминлайди ва касаба уюшмаси қўмитаси томонидан унинг ижро этилиши бўйича жамоатчилик назорати олиб борилади.

127. Иш берувчи 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ишларида иштирок этади, муносиб меҳнат мақсадига етишда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши учун тизимли чора-тадбирларни амалга оширади.

128. Иш берувчи тизимдаги корхона ва ташкилотларда касаба уюшмалари ташаббуслари билан ташкил этиладиган яшил ҳудудларни кенгайтириш ишларида фаол иштирок этади.

Иш ўринларини меҳнат шароитлари, асбоб-ускунанинг жароҳат етказиш хавфи юзасидан аттестациядан ўтказиш ишларини ташкил этади;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва хизмат вақтида орттириладиган касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий сугурта қилинишини, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилинишини таъминлайди;

ҳодимларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва компенсацияларни берилиши, уларга меҳнатни муҳофиза қилиш бўйича йўл-йўриқлар берилиши, меҳнатни муҳофиза қилиш масалалари бўйича ўқув ва малака оширишдан ўтиши юзасидан жамоатчилик назоратини олиб боради;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича ваколатли вакилларни сайлайди, уларни ўқитиш ва малакасини ошириб боради ҳамда ўз фаолиятини самарали амалга ошириш учун қулай шароитларни яратиш мажбуриятини олади.

## Х. АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА КАФОЛАТЛАР

Тарафлар аёллар ва ёшлар учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этишни ва имтиёзлар беришни ўз зиммасига олган ҳолда қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

129. Аёллар ва ёшларга қўшимча имтиёзлар берилишини назарда тутувчи идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти конвенцияларига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқлиги нуқтаи-назаридан қайта кўриб чиқиш ҳамда уларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар бериш.

130. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус”и бўйича дастурларидан келиб чиқиб ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан:

ишлаётган ёшлар фаолиятидаги, олий ва касб-ҳунар таълими муассасалари талабаларида салбий ҳолатларни, жумладан, эртанги кунга ишонч сўнишининг олдини олиш,



иш хақи, меҳнат шартларидан миннатдорлик ҳиссини уйғотини мақсадида ёшлар ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тadbирларини амалга ошириш;

ёшларнинг хорижий тил, компьютер саводхонлиги ҳамда замонавий билимларни мукамал эгаллашларига турли хил ўқувлар ўтказиш орқали кўмаклашиш, улар орасидан салоҳиятли ёшларни танилаб олган ҳолда кадрлар захирасини шакллантириш.

**131. Жамоа шартномалари ва келишувларида қуйидагилар назарда тутилишини таъминлаш:**

хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклатиш;

ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

хотин-қизлар ва эркеклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликка йўл қўймаслик.

**132. Жамоа шартномалари ва келишувларида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутиш, шу жумладан:**

хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш;

ёш болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатиш;

таълим муассасалари битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш;

хотин-қизларнинг жисмоний фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

хотин-қизлар учун саёҳатларни ташкил этиб бориш;

хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиши, шунингдек, сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фойзсиз ссудалар бериш.

**133. “Қасаба уюшмалари – аёллар манфаати йўлида” шиори асосида хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича янги тизимни жорий этиш.**

**134. Меҳнат жамоаларидаги гендер аудит натижаларини муҳокама қилиб, иш берувчилар билан биргаликда хотин-қизларга янада қулай меҳнат шароитларини яратиш бўйича амалий чораларни белгилаш.**

**135. “Аёллар дафтари” орқали ёрдам кўрсатиладиган аёллар тоифаларига уй-жой ва яшаш шароитини яхшилашга, тиббий ва психологик ёрдамга муҳтож, таъйиқ ва зўравонликка учраган ҳамда ҳуқуқий ёрдамга муҳтож аёлларни ҳам қўшишни назарда тутиш.**

**136. Гендер тенгликни таъминлаш ҳолатини таҳлил қилиш ва гендер тенгликни таъминлаш бўйича манзилли стратегияларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.**

## **XI. МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ НИ ОММАЛАШТИРИШ, ИЧКИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, МЕҲНАТКАШЛАР ВА УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ**

**137. Мазкур масалаларда тарафлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:**

- ҳар бир ташкилотда “Маънавият ва маърифат хонаси” ни ташкил этиш ва уни адабиётлар ҳамда плакатлар, стендлар билан таъминлаш;

- ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида бадий хаваскорликни янада ривожланишига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш, уларнинг бўш вақтларини сермазмун ўтказишлари учун тарихий обидаларга саёҳатлар, театр, концерт ва музейларга ташрифларини уюштириш;



- рағбатлантириш сифатида тизим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг камда 10 фоизини онла аъзолари билан биргаликда ҳар йили дам олишга (ички туризмга) юборишни назарда тутадиган ходимларнинг жамоавий ва оилавий дам олишини ташкил қилиш;

- ходимлар, айниқса ёшларни маънавий-маърифий, ғоявий-мафкуравий дунёкарашини янада ошириш, сиёсий ва ҳуқуқий билимини ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятини такомиллаштириш мақсадида, турли соҳа вакилларини жалб этган ҳолда давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиб бориш;

- ходимларни ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, дам олдириш билан боғлиқ тадбирларни қасаба уюшма кўмитасининг тавсияси асосида ташкил этиш;

- тизим ташкилотларида ойнинг бир шанба кунини “Спорт -саломатлик куни” деб эълон қилиш ва **Иш берувчи** билан ҳамкорликда ходимларга жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишлари учун етарли шароитлар яратиб бериш (спорт майдончалари ташкил этиш, махсус спорт хоналарини ажратиш), турли спорт секциялари ва тўғарақларига жалб этиш, меҳнат жамоаларида ходимлар гимнастикасини жорий этиш ҳамда жисмоний тарбия жамоалари фаолиятини йўлга қўйиш;

- соғлом турмуш тарзи ва оммавий спорт ни ривожлантириш мақсадида меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ходимга “Спорт тарғиботчиси” кўшимча вазифасини юклаш ва унинг базавий лавозим маошига 20 фоиз миқдорида устама белгилашни йўлга қўйиш;

- ходимларга меҳнат қонунчилигига мувофиқ улар учун қулай бўлган вақтда саёҳат қилиш ва дам олиш учун таътилнинг фойдаланилмай қолган қисми ҳисобидан дам олиш кунлари (отгул) бериш.

- қасаба уюшмаси фаолларини қасаба уюшмаси фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ўқитиш;

- умумхалқ ва касб байрамларини, хусусан 6 апрель “Халқаро спорт куни” ва 11 ноябрь “Қасаба уюшмалари куни”ни нишонлаш, байрам муносабати билан касб маҳорати, спорт ва бадний ҳаваскорлик бўйича мусобақа, танлов ҳамда тадбирлар уюштириш.

Ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг 1 фоиз миқдоридаги маблағни маданий-маърифий, жисмоний тарбия-спорт тадбирлари, Республика ҳудудидаги тарихий қадимжоларга саёҳатлар ташкил этиш, концертлар, театрларга чипталар ва истироҳат боғларига таклифномалар харид қилиш, моддий ёрдам кўрсатиш, рағбатлантириш, Қасаба уюшмаси кўмитасининг штатдаги ходимларига кўшимча ҳақ тўлаш ва бошқа мақсадлар учун иш берувчининг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб амалга оширилади.

138. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг тадбиқ этиш ва оммавий спорт ни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6099-сон Фармонида асосан жамоа шартномаларида:

- иш куни давомида ишлаб чиқариш гимнастикаси машқларини бажариш учун иш вақтига киритиладиган махсус танаффуслар белгилаш тартибини жорий этиш;

- Корхона ва ташкилотларда қасаба уюшмалари ташаббуси билан ишхона ва маҳаллаларда яшил ҳудудларни кенгайтириш ҳамда тозалик, ободончилик ишларини ташкил қилиш.

- Корхона ва ташкилотлардаги қасаба уюшмалари жамоалари ўртасида “Экологик фаол қасаба уюшмаси жамоаси” танловини ўтказиш ва ғолибларни рағбатлантириш.



• иш берувчиларга ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар йили маданий дам олдирини ва соғломлаштиришларини ҳамда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасидаги саёҳатлари учун шартли яратинларини тавсия этиш.

• иш вақтидан сўнг (ҳафтада камидан бир марта) тизимдаги меҳнат жамоаларида раҳбар ва барча ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт маишулотлари (югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш ва бошқалар) билан шуғулланишни ташкил этиш белгиланади.

139. Иш берувчи ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, дам олдирини, маънавий-маърифий ва спорт тadbирларини амалга ошириш мақсадида маблағлар ажратади.

140. Вилоят Қўмитаси нинг “Энг намунали бошланғич ташкилот” республика кўриктанловида тизимдаги ташкилотлар иштирокчини таъминлайди.

141. Бошқарма ва унинг тизимидаги ташкилотларда иш берувчилар “Ишонч” ва “Ишонч-доверие” газеталарига обуна бўлишда қасаба уюшмасига кўмаклашади.

## **XII. КЕЛИШУВНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ ВА УНИ БАЖАРИЛИШИ УЧУН ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

142. Мазкур Келишув 2026-2028 йиллар учун тузилган бўлиб навбатдагиси қабул қилинганга қадар амалда бўлади. Шу вақт давомида унга қўшимча ва ўзгартиш киритишга тарафларнинг келишуви асосида йўл қўйилади. Тарафларнинг мулкдори алмашганда, қайта ташкил этилганда, номи ўзгарганда Келишув ўз кучини сақлаб қолади.

143. Тарафлар мазкур Келишувнинг амал қилиш даврида қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

а) ижтимоий-меҳнат муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан Тарафларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказиш;

б) ҳар йили камидан бир марта ушбу Келишув бажарилишининг бориши ва яқунларини муҳокама қилиб бориш;

в) ушбу Келишув бажарилиши таъминланиб борилаётган тақдирда, иш ташлаш амалларидан воз кечиш.

144. Ушбу Келишув Бошқарма ва Вилоят Қўмитаси ўртасида имзолаганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига билдириш рўйхатидан ўтказиш учун 7 кунлик муддат ичида тақдим этилади.

145. Келишув Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига билдириш рўйхатидан ўтказилганидан сўнг икки ҳафта ичида унинг нусхасини Бошқарма нинг барча таркибий тузилмаларига жамоа шартномаларига мувофиқлаштириш мақсадида жўнатади.

146. Келишув талаблари бажарилмагани аниқланган тақдирда уни имзолаган шахсларга ёзма равишда маълумотлар тақдим этилади. Ёзма равишда киритилган маълумотлар комиссия томонидан икки ҳафта ичида муҳокама этилиб, сўнгра тегишли қарор қабул қилинади.

147. Келишувнинг бажарилиши яқунлари тўғрисидаги маълумотларни келишув комиссияси аъзолари тайёрлайдилар ва йил якуни бўйича бир марта Бошқарма ҳамда Вилоят Қўмитаси нинг қўшма йиғилишида муҳокама қилинади.

148. Ушбу Келишувдан фақат хизмат доирасида фойдаланилади.

149. Мазкур Келишув бажарилиши устидан назоратни ижтимоий-меҳнат масалалар бўйича икки томонлама комиссияси амалга оширади.



**Тошкент вилояти спорт бошқармаси ҳамда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмитаси ўртасида 2026-2028 йиллар учун тузилган Худудий тармоқ жамоа келишуви бажарилиши юзасидан мониторинг олиб борувчи икки томонлама ижтимоий-меҳнат масалалари комиссия таркиби**

**Тошкент вилояти спорт бошқармаси вакиллари:**

**Досбеков Ифтихор Аблабердиевич** – бошқарма бошлиғи ўринбосари, комиссия раиси

**Усканов Абдузхур Аманкулович** – инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш шўъбаси бошлиғи, комиссия аъзоси;

**Исакулова Нигора Суинатуллаевна** – бошқарма бухгалтерия хизмати шўъбаси бошлиғи, комиссия аъзоси.

**Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмитаси вакиллари:**

**Раимов Шухрат Худайназарович**– Тошкент вилояти спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган спорт мактаби касаба уюшма қўмита раиси, комиссия раиси;

**Джакселикова Асия Темирпулатовна** – Тошкент вилояти сув спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси, комиссия аъзоси;

**Абдуллаева Рисолат Йўлдош қизи** –Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти бирлашган қўмитасининг бош мутахассиси, комиссия аъзоси.